

Хайф масжиди



06:47 / 22.10.2025 810

Тоғ сатҳидан пастда, сел сувидан баландликда бўлгани учун Хайф масжиди деб номланган. Ушбу масжид Мино тоғининг жанубий ёнбағрида, кичик жамрага яқин жойда жойлашган. Масжид ўрнида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотдан олдинги набийлар намоз ўқишган. Язид ибн Асвад розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бу зот: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга ҳаж қилдим. У зот билан бирга Хайф масжидида бомдод намозини ўқидим», деб айтдилар.

Термизий ривояти.

Абдурахмон ибн Муоз: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга Минода хутба айтдилар... Кейин муҳожирларга буюргандилар, масжиднинг олди томонидан тушишди. Ансорларга буюргандилар, масжид орқасидан тушишди. Бундан кейин қолган одамлар тушишди», дедилар.

Сунани Абу Довуд ривояти.

Тарих давомида мусулмон халифалари томонидан ушбу масжид аҳамиятли жой бўлган.

Ҳижрий 1407 йил, милодий 1987 йили 90 миллион риёл маблағ сарфланиб бино кенгайтирилган. Ушбу масжид биносининг 4 та минораси бор. 410 та

совутгич, 1100 та шамоллатгич ўрнатилган. Бинонинг ёнида 1000 дан зиёд ҳожатхона, 3000 дан зиёд таҳорат қилиш учун жўмрак бор.